*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 74 (6. 863) ◉ 1989 йил 29 март, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

**◉ «Амалий ишлар даври» — «Правда» газетасининг шу куннинг мавзуидаги мақоласи ана шундай номланади. Мақола КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг куни кеча матбуотда эълон қилинган 1988 йил планларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари тўғрисидаги қарорига бағишланган.**

**◉ «Бизнинг халқ депутатларимиз — «Известия» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.**

**◉ Газеталардан шунингдек, Марказий сайлов комиссиясидан репортаж, «Демократиянинг қарор топиши» сарлавҳаси остида СССР халқ депутатлари сайловларининг дастлабки якунлари ҳақидаги хабарлар, чет эл оммавий ахборот воситаларида СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисида билдирилган фикрлар ўрин олган.**

**◉ «Правда» газетасининг олтинчи саҳифасидаги «Сабрсизлик ва муросасизлик» сарлавҳали мақолада Молдавияда рўй бераётган воқеалар ҳақида фикр юритилади.**

## Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми

1989 йил 28 мартда Тошкент шаҳар партия комитетининг II пленуми бўлиб ўтди.

Пленумга қатор саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, министрликлар ва идораларнинг шаҳар партия ташкилоти сайлаб қўйилган органларининг аъзолари бўлмаган раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, шунингдек Тошкент областидаги қатор қишлоқ район партия комитетларининг биринчи секретарлари, хўжаликларнинг раҳбарлари таклиф қилиндилар.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитети март (1989 йил) Пленуми талаблари асосида шаҳарнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш юзасидан шаҳар партия ташкилоти, совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда «Таштекстильмаш» заводининг қуювчиси Б. Бойсаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Фан» боғдорчилик-узумчилик ширкатининг раиси М. Ф. Фастишков, «Таштеплоцентраль» бирлашмасининг бош директори Ў. С. Ҳошимов, Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳайдаров, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Г. Ф. Закритная, Тошкент районидаги Қ. Маркс номли колхоз раиси Р. Акбаров, Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори Б. Қ. Эргашев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ. Ғуломов, меҳнат ветерани А. Я. Фрадкин, Тошкент сут бирлашмасининг мастери С. З. Судирова, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, «Компрессор» заводининг директори В. В. Фрошгейзер, ҳайкалтарош Қ. Салоҳиддинов, Тошкент булка-кондитер комбинатининг ишчиси В. В. Андриянова, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимончилик хўжалигининг раҳбари Ф. Зайнитдиновлар иштирок этдилар.

Пленум Тошкент шаҳар партия комитетининг Тошкент шаҳри аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини яхшилашни ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш бўйича тадбирларини тасдиқлади, шунингдек Тошкент шаҳри аҳолисининг 1989—1990 йилларда ва 1995 йилгача бўлган муддатда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш юзасидан партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятининг Асосий йўналишлари ҳамда 1989 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрининг озиқ-овқат таъминотининг Комплекс программасини маъқуллади.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг қуйидаги масалалар бўйича комиссиялари тасдиқланди:

— ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўйича;

— идеологик иш бўйича;

— социал-иқтисодий ривожланиш бўйича;

— ёшлар билан ишлаш бўйича.

Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. Х. Асқаров Тошкент шаҳар партия ташкилотида 1988 йилги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар плани тўғрисида ахборот берди.

Бу масала юзасидан республика пойабзал моделлари уйининг директори Л. Э. Чиркова сўзга чиқди.

Пленум Тошкент шаҳар партия ташкилотида 1988 йилги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш бўйича тадбирлар планини тасдиқлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретарлари В. Г. Гордиенко, С. Д. Сайдалиев, Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Йўлдошев, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат бирлашмасининг раиси Н. И. Гусаковлар қатнашдилар.

**◉ (Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонларида эълон қилинади).**

## Қизил байроқли коллективларда







### «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида

(ФОТОРЕПОРТАЖ)

**Маълумки, кеча матбуотда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1988 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ғолибларини кўчма Қизил байроқлар билан мукофотлаш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Ғолиблар орасида «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бор.**

**◉ СУРАТЛАРДА: шу корхонанинг механика цехидаги иш жараёни акс эттирилган.**

**◉ Владимир Мороз етти йилдан буён корхона механика комплекс бригадасида ишлаб келади. У бир неча касбларни эгаллаган.**

**◉ Сойибназар Бозоров эса ўз маҳоратини ошириш устида ишламоқда. У меҳнатдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтини битирди.**

**◉ Григорий Шаталов эса 15 йилдан буён пармаловчилик қилиб келмоқда. У жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этяпти. Топшириқларни бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқда.**

Т. Каримов фотолари.



## Барака — тежамда

### Икки ярим — бир бутун

Одатда қурилиш майдони деганда кўз ўнгимизга хартумли кран, чала ётган бино, бошларига каска кийиб олган кишилар, ғишт, темир-бетон буюмлари, қум, цемент, темир-терсаклар сочилиб ётган манзара намоён бўлади. Қурувчилар бундай пала-партишликка ўрганиб қолишган, биз ҳам кўникиб кетганмиз. Яқинда биз Энгельс кўчасида қад кўтарган 16 қаватли бино қурилишида бўлдик. Майдонда саранжом-саришталик йўлга қўйилгандай. Участка бошлиғи Аваз Каримовнинг айтишича тежамкорликка жиддий эътибор берилаётган эмиш. Аслида ҳам майда-чуйда темир парчалари, симлар йиғиб қўйилган, цемент яшиги ҳам бор. Лекин синчиклаб қаралса, исрофгарчиликка йўл қўйилаётганига амин бўласиз. Қум, шағаллар сочилиб ётибди, цемент яшигининг атрофи худди бетон тўкиб қўйилганга ўхшайди. Синиб ерга қоришиб ётган ғиштларга ачинасиз. Шу ўринда қурувчиларга материал етказиб бераётган темир-бетон буюмлари заводидаги масъулиятсизлик ҳам исрофгарчиликка олиб келаётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Одатда сантехника қувурларини ўтказиш учун бетон плиталарда махсус тешиклар қолдирилади. Баъзи пайтларда керакли жой қолиб бошқа ердан тешик қолдирилиши кўп оворагарчиликка олиб келади. Яна бир томони, бетонни тешиб қувурларни ўтказиш жараёнида кесиб олинган цементлар ташлаб юборилади. Биз кўриб ўтган қурилиш майдони анча тартиблиси, десак бўлади. М. Горький номли рус Давлат академик драма театрининг янги биноси, чинни заводи, «Алгоритм», Калинин номли массивлардаги қурилишлардаги ғишт, цемент, қум-шағал, албастер, бўр, оҳак, темир-бетон буюмларининг исроф қилинаётганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Халқимизда ноннинг ушоғи ҳам нон дейишади. Бу гапни газетхонлар кўп марта эшитишган. Биз бу доно сўзни қурилиш материалларига нисбатан айтаётганимизни фаҳмлагандирсиз. Оёқ остида эзилиб ётган, қум, цемент оҳакларга юрагингиз ачишмайдими, дейишга ҳақлимиз. Статистика маълумотларига қараганда шаҳримизда етмиш мингга яқин бинокор қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланади. Агар ҳар бир қурувчи ҳисобида ойига бир донадан ғишт иқтисод қилинса, йил давомида 840 минг дона ғишт тежалиши мумкин. Бу миқдордаги ғиштлар билан чоғроқ болалар боғчасини тикласа бўлади. Агар шунча ғишт исроф қилинсачи? Ҳар бир дона ғишт таннархи ўртача беш тийиндан ҳисобланса, 42 минг сўм пул ҳавога совурилар экан. Энди ҳар бир киши ҳисобига бир килограммдан цемент исроф қилинишини чўтга солайлик; 840 тонна цемент бесамара йўқ бўлиб кетар экан. Бутун мамлакат бўйича қурувчилар ҳисобига тежаб қолинадиган ёки исроф бўладиган бинокорлик материалларининг ҳажми ва суммасини ўйлаб кўринг-а, ўн минглаб тонна, миллионлаб сўмни ташкил этади.

Биз юқорида фақатгина қурилиш соҳасидаги тежамкорликнинг ва исрофгарчиликнинг натижалари ҳақида сўз юритдик. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам пала-партишлик, давлат мулкига бефарқликка, исрофгарчиликка чек қўйилганича йўқ. Экономикамизнинг юксалиши миллионлаб сўм эмас, тийинлардан, граммлардан бошланишини унутмаслик керак.

С. ШАМСИДДИНОВ.

## Ўзаро ҳамкорликда

Тошкент политехника институтининг илмий-текшириш экспедицияси Талимаржондан қайтиб келди. Экспедиция таркибида амалий геодезия кафедрасининг педагоглари ва шу мутахассис бўйича ўқиётган студентлар бор эди. Улар Талимаржон сув омборининг икки тўғони чўкиши ва силжиши мумкин эканлигини аниқладилар.

Гап шундаки, лойиҳа бўйича сув омборига бир ярим миллиард кубометрдан ортиқ сув тўпланади. Сув Амударёдан еттита насос станцияси ёрдамида кўтариб олинади. Бу сув билан Қарши чўлининг 200 минг гектарга яқин ери суғорилади. Омборгача сув саксон километр масофани босиб ўтади. Февраль ойининг охирига келиб омборда энг кўп сув тўпланади. Ана шундай кўп сув омбор тўғонига жуда катта куч билан таъсир қилади. Биринчи тўғоннинг узунлиги ўн километрдан ортиқ эканлигини ҳисобга олсак, уни текшириш учун кенг кўламдаги илмий-текшириш, ўлчаш ишларини олиб бориш зарур эди.

Иш лойиҳасини кафедра аъзолари «Средазгипроводхлопок» институти ходимлари билан биргаликда туздилар. Тадқиқот ишлари тўрт йилдан бери давом этмоқда. Ҳар йили қирқ минг сўмлик иш бажарилмоқда. Ўлчаш ишлари ҳар йили ярим йилдан кўпроқ вақтни эгаллайди. Келгусида геодезия инженерлари бўлиб етишувчи студентларнинг бу ишда қатнашиши уларга институтда олган назарий билимларини мустаҳкамлабгина қолмай, уларда ўз касбларига қизиқишни орттиряпти, ўқишга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирмоқда. Натижада юқори курс студентларининг ярмидан кўпи яхши ва аъло баҳоларда ўқимоқда.

Н. НИШОНБОЕВ,
доцент.
Д. НОСИРОВА,
катта ўқитувчи.

## Хўжалик ҳисоби шарофати

**Тошкент агрегат заводида аҳолига пулли хизмат кўрсатишни кенгайтиришга сарфланган маблағлар касаба союз бюджетига керакли таъсир кўрсатмоқда.**

**Касаба союз комитети завод стадионида бир неча иншоотлар капитал қурилишига пул ажратиш билан бирга ўз соғлиғини мустаҳкамлашни хоҳлаган одамларни янада кўпроқ жалб этибгина қолмай, айни вақтда фойда ҳам ола бошлади. Яхши жиҳозланган машқ зали, сауна ўн бир минг сўмга тушди. Жисмоний тарбия билан бир ярим соат шуғулланиш, сўнг саунага кириб маза қилиб терлаш, душ қабул қилиш учун бир ярим сўм тўланади, корхона ишчилари эса бир сўм ҳақ тўлайдилар. Умуман, спорт марказини етарли даражада сақлаш, унинг спорт анжомларини янгилаб туриш, стадион ходимларини маош билан таъминлаш учун бу ерга келаётган ҳар бир кишидан олинадиган ҳақ унча катта бўлмаса-да, етарлидир.**

**Касаба союз комитетининг ташаббуси билан маъмуриятнинг уч қаватли биноси поликлиникага берилди. Корхона хизматчилари ўтирадиган хоналарни даволаш хоналарига айлантириш учун 180 минг сўм пул сарфланди.**

**Касаба союз комитетининг бошқа бир ташаббусига ҳам кишилар раҳмат айтишмоқда. У ҳам бўлса, уй-жой муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббусдир. Агрегат заводи ёшларнинг Собир Раҳимов районидаги «Прогресс» деб аталган қурилиш кооперативи билан шерикчилик асосида иш бошлаб юборди. Ёшлар уй-жой комплекси йўли билан уй қурилишига тўрт юз минг сўм пул ажратилди. Ўн беш киши квартиралар қурилишида фаол қатнашади.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

## Тошкент шаҳри сайлов округлари бўйича 1989 йил 26 март куни бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари сайловларининг натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларининг АХБОРОТИ

**115-ТОШКЕНТ — ҲАМЗА МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Сайлов округи бўйича жами сайловчиларнинг сони 393865 киши.

Овоз беришда 336120 киши иштирок этди.

Абдулла Ориповни ёқлаб 254864 киши овоз берди.

81235 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 21 та.

**Овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳрининг Куйбишев районида истиқомат қилувчи Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, КПСС аъзоси Абдулла Орипов СССР халқ депутати этиб сайланди.**

**116-ТОШКЕНТ — ФРУНЗЕ МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича сайловчиларнинг жами сони 415193 киши.

Овоз беришда 362901 киши иштирок этди.

Дилбар Мирзаевна Қосимовани ёқлаб 298645 киши овоз берди.

64138 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 118 та.

**Овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳрининг Фрунзе районида истиқомат қилувчи, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, КПСС аъзоси Дилбар Мирзаевна Қосимова СССР халқ депутати этиб сайланди.**

**117-ТОШКЕНТ — ОКТЯБРЬ МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчиларнинг сони 427897 киши.

Овоз беришда 365782 киши иштирок этди.

Марат Тешаевич Зоҳидовни ёқлаб 142149 киши овоз берди.

198563 киши қарши овоз берди.

Акром Қурбонович Эргашевни ёқлаб 154410 киши овоз берди.

186302 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 25070 та.

Овоз бериш натижаларига кўра номзодларнинг бирортаси ҳам СССР халқ депутати этиб сайланмади.

«СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 61-моддасига мувофиқ округ комиссияси такрорий сайловлар ўтказиш юзасидан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этди.

**596-ТОШКЕНТ — АКМАЛ ИКРОМОВ ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчиларнинг сони 238638 киши.

Овоз беришда 213693 киши иштирок этди.

Йўлдош Тожиевич Акбаровни ёқлаб 78934 киши овоз берди.

124474 киши қарши овоз берди.

Клара Носировна Рустамовани ёқлаб 46186 киши овоз берди.

157222 киши қарши овоз берди.

Қодир Фозилович Фозилхўжаевни ёқлаб 65216 киши овоз берди.

138192 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 10285 та.

Овоз бериш натижаларига кўра номзодларнинг бирортаси ҳам СССР халқ депутати этиб сайланмади.

«СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 60-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси 1989 йил 9 апрелда округда энг кўп овоз тўплаган икки депутатликка номзод — Йўлдош Тожиевич Акбаров ва Қодир Фозилович Фозилхўжаевлар бўйича қўшимча овоз беришни ўтказишга қарор қилди.

**597-ТОШКЕНТ — ЛЕНИН ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчиларнинг сони 219358 киши.

Овоз беришда 185967 киши иштирок этди.

Владимир Геннадьевич Шканакинни ёқлаб 164320 киши овоз берди.

21625 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 22 та.

**Овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳрининг Куйбишев районида истиқомат қилувчи Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-ҳаво кучларининг қўмондони, КПСС аъзоси Владимир Геннадьевич Шканакин СССР халқ депутати этиб сайланди.**

**598-ТОШКЕНТ—КИРОВ ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчилар сони 315333 киши.

Овоз беришда 266838 киши иштирок этди.

Шавкат Орифжонович Алимовни ёқлаб 108015 киши овоз берди.

142515 киши қарши овоз берди.

Хайрулла Ҳусанович Рўзиевни ёқлаб 123814 киши овоз берди.

126716 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 16308 та.

Овоз бериш натижаларига кўра номзодлардан бирортаси ҳам СССР халқ депутати этиб сайланмади.

«СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 61-моддасига мувофиқ округ комиссияси такрорий сайловлар ўтказиш юзасидан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этди.

**599-ТОШКЕНТ — КУЙБИШЕВ ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчилар сони 174277 киши.

Овоз беришда 150080 киши иштирок этди.

Владимир Петрович Золотухинни ёқлаб 90823 киши овоз берди.

53848 киши қарши овоз берди.

Ўткир Самуғович Ҳошимовни ёқлаб 38355 киши овоз берди.

106316 киши қарши овоз берди.

Темур Собирович Юнусовни ёқлаб 11961 киши овоз берди.

132710 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 5409 та.

**Овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳрининг Куйбишев районида истиқомат қилувчи Туркистон ҳарбий округининг «Фрунзевец» газетаси редакцияси ахборот бўлимининг доимий мухбири, КПСС аъзоси Владимир Петрович Золотухин СССР халқ депутати этиб сайланди.**

**600-ТОШКЕНТ — ЧИЛОНЗОР ТЕРРИТОРИАЛ ОКРУГИ.**

Округ бўйича жами сайловчилар сони 289349 киши.

Овоз беришда 247523 киши иштирок этди.

Борис Фёдорович Сатинни ёқлаб 197996 киши овоз берди.

49459 киши қарши овоз берди.

Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар — 68 та.

**Овоз бериш натижаларига кўра Тошкент шаҳрининг Фрунзе районида истиқомат қилувчи Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси Борис Федорович Сатин СССР халқ депутати этиб сайланди.**

**СССР халқ депутатлари сайловлари бўйича округ сайлов комиссиялари.**

